Пайгамбар Мухаммад алайхиссалом хеч кандай хокимиятга эга бўлмаган холда энг кудратли салтанатлар – Эрон ва Византияни ягона Парвардигор низоми билан яшашга даъват этгандилар.
Роже Городи, Фарангистон Комфиркаси Марказий Кўмитаси аъзоси.

Биз Оврупа миллатлари маданий имконимиз юкори бўлишига карамай, хазрати Мухаммад сўнгги погонасига кадар чика олган зинанинг биринчи боскичидамиз, холос. Хеч шубха йўкки, бу мусобакада бирон кимса у зотдан юкорирокка ўта олмайди.
Волфганг Гёте, машхур олмон шоири.

Хазрати Мухаммаднинг инсон боласи бўлганлари бутун одмизодга ифтихордир. Чунки у зот уммий бўлишлари баробарида ўн аср олдин шундай конун ва асосларни келтирдиларки, биз – оврупаликлар икки минг санадан кейин уларнинг киймати ва хакикатини англаб етсак, энг масъуд, энг саодатли инсонлар бўламиз.
Шебол, Гарб мутафаккири.

Аллох таолонинг бирлиги ва борлигини Мусо алайхиссалом ўз миллатига, Исо алайхиссалом ўз умматига, Мухаммад алайхиссалом эса, бутун инсониятга маълум килди.
Наполеон Бонапарт, Франсия императори.

Мен дунё тарихини ўрганиб бир хулосага келдим: дунё подшохлари тўплаган жамики салтанату сарват-бойликлар, шохона касрлару мухташам саройлар Мухаммад алайхиссаломнинг ямок яктакларига арзимас экан.
Волфганг Гёте, машхур олмон шоири.

Хазрати Мухаммад хакида гапирганларимиз бир нукта устида тўпланади. У хам бўлса, у зот хулк-атворининг юксаклиги, ахлокининг покизалигидир. Булар шундай улуг фазилатларки, у замондаги маккаликлар орасида жуда нодир эди.
Вилям Муир, инглиз шаркшуноси.

Файласуф, нотик, пайгамбар, факих, саркарда, калблар химоячиси, гоялар кошифи, имом, давлат арбоби, Ер куррасининг йигирма жойида диний салтанат ташкил этган зот. Мухаммад (алайхиссалом) ана шундай киши эди. У кишини дунёдаги кайси буюк шахс билан тенглаштириш мумкин? Нахотки у зотнинг киёслари бўлса?
Луис де Ламартин, фаранг мутафаккири.

Машхур пайгамбарлар ва фотихлар ичида тарихий хаёти хазрати Мухаммад тарихидек энг кўп ва хамма нукталаригача батафсил ўрганилган тарихий шахс йўкдир.
Жон Давенпорт, инглиз олими.

У бир вактнинг ўзида хам Цезар, хам Папа эди. Аммо Папа бўлиб, унда Папанинг иддаолари йўк эди, Цезар бўлиб, унда Цезар легионлари йўк эди. Мунтазам кўшинсиз, тансокчиларсиз, саройсиз, давлат даромадисиз (соликларсиз) агар бирор шахс мен

Аллохнинг изну ихтиёри билан бошкардим, дея олса, унда у Мухаммадддир (соллаллоху алайхи ва саллам). Чунки унинг кўлида хеч кандай хокимият воситаларисиз ва асосларисиз хокимият бор эди.
Босворт Смит, англиялик мутафаккир.

Ўз эътикоди йўлида Мухаммад (алайхиссалом) хар кандай машаккат ва кийнокларга тайёр эди. У уммат етакчиси бўлишига карамай, камтар ва одамийлигича колди. У одамларни каттик хурмат килар, шарафини жойига кўяр эди. Унинг буюклигига унинг зафар ва ютуклари далилдир. Унинг шахси улуглиги гоясини таркатишда муваффакият келтирди.
Вилям Монтгомери Уотт, инглиз шаркшуноси, “Мухаммад Маккада”, “Мухаммад Мадинада” китоблари муаллифи.

Мухаммад (алайхиссалом) таргиб килган таълимотлар туфайли унинг издошларини Пайгамбар шахсияти ўзига каттик жалб килади. Зеро, у одамларни акл ва дин воситасида бошкарар эди.
Эдвард Гиббон, инглиз олими.

Агар хозиргача бирор кишига диний факат таълимотлар воситасида кишилар оммасини эргаштириш насиб этган бўлса, у Мухаммаднинг (алайхиссалом) ўзидир. У хеч качон кимларнидир ёрдамига ёки махсус кийимларга мухтож бўлмаган. У хеч качон ўзига юкорибахо бермаган. Пайгамбар бўлиш хукуки хеч шубхасиз факат унга тегишлидир. Хозир араб пайгамбарнинг хаёти ва карашларини тадкик этаётган хар бир киши унинг буюклиги каршисида чукур таъзим килади.
Анна Безант, хиндистонлик олима.

Хар кандай диннинг тарафдорлари ўз динига каттик эътикод килади, буни ўзгартириш жуда кийин иш. Имон факат Аллох берадиган нарса, хеч бир одам бошка диндаги кишини жазолашга хакли эмас. Бундай хукукка факат Киёмат кунининг эгаси Аллох хаклидир. Хар бир самовий дин тарафдорлари ўзга дин мукаддасотларига хурмат билан, нафрат ва мутаассибликсиз муносабатда бўлишлари лозим. Исломга, айникса унинг Пайгамбари Мухаммадга (алайхиссалом) карши шиддатли хужумлар муносабати билан мен, мусулмон биродарлари ичида яшаб турган мисрлик насроний шаркшуносларнинг барча ёлгон даъволари ва айбловларига жавоб кайтаришни ўзимнинг илмий ва миллий бурчим, деб билдим. Бу ёлгонлар Пайгамбар номига отилган захарли ханжарлардир. Имкони борича бу тухматларни аниклаб-тўплаб, уларга батафсил жавоб кайтардим. Ўзим мусулмон эмас, насроний бўлганимдан катъи назар, илмий тафаккур билангина куролланиб, мутаассиблик ва нохолис хулосаларни рад этдим.
доктор Набил Луко Бобовий, Миср православ насронийлар черкови рахбарларидан бири, Миср Шўро Кенгаши (парламенти)нинг Ахборот, маданият ва сайёхлик кўмитаси раиси.